

Бизнинг саволимиз куйидагича: Биз яшаб турган жойдан 20-25 км. масофада чўл кумлари бор. Шу кумларда кўллар ташкил этилиб, ушбу жойларга шахарлардан турли ахлат-нажосатлар канализатсия оркали келиб тўпланади. Кейинги пайтларда баъзи инсонлар шу сувларни кочириб, ўрнига шоли экишмоқда. Шоли эса, факат шу ахлат сув (ранги ўрик шарбати сингари кора-кизил, хиди ўта бадбўй) билан охиригача парвариш топади.

- 1) Шундай ер ва сувларда етиштирилган шо-ли ва гуручларни истеъмол килиш мумкинми?
- 2) Шу ишлар билан мусулмон, хусусан, такволи ахли илмлар шугуллансалар, дурустми? Илтимосимиз:

Шу масалани хал этиб, «Зикр ахлидан сўранг» рисоласида чоп эттирсангиз.

Олдиндан ташаккур айтиб, дуо ила бир гурух маргилонлик фукаролар номидан...

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, такво юзасидан бу ишни килмаган маъкул.

Шу билан бирга, айтишимиз лозимки, фукахолар:

«Нажас сувлар билан сугорилган мевалар ва ахлатхонада ўсган зироатлар дони макрух эмас», дейишган. («Тухфатул Мухтаж фий шархил Минхааж»).

Чунки экинларга мазкур сув тўғридан-тўғри етиб бормайди. Балки, ерга сингиб, тозаланган холда сувнинг асари етиб боради. Валлоху аълам.